ДАРОМАД – ПАРРАНДАЧИЛИКДАН

Бувайда туманидаги “Илҳом” кўп тармоқли фермер хўжалигида тухум йўналишига ихтисослашган 17 минг дона Германия наслли жўжалари парваришланмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Хўжаназаровнинг эътироф этишича, мазкур жўжалар тўрт ойда тухумга киради ва шундан сўнг шартнома асосида шахсий томорқа эгаларига тарқатилади. Наслли жўжаларнинг 3 минг донаси фермер хўжалиги аъзолари томонидан парваришланиши ҳамда аҳолига сифатли ва арзон тухум етказиб бериш режалаштирилган.

2017-07-17 12:03:02